



20 20 у. « 14 » август

№ Қ-381

«    »    20    г.

**Қумқўрғон тумани “Оққапчиғай” массиви “Кўганли” маҳалласи худудидан “Avtomobilchi МТР” МЧЖга “Автомобилларга сиқилган газ билан тўлдириш компрессор шахобчаси”ни қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/420-сон йиғилиш баёни, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 27 июндаги 182/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/420-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани “Оққапчиғай” массиви “Кўганли” маҳалласи худудидан “Avtomobilchi МТР” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 431қ, 431ақ-дала контурларидаги 0,80 гектар яйлов ер майдони “Автомобилларга сиқилган газ билан тўлдириш компрессор шахобчаси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Avtomobilchi МТР” МЧЖ 0,80 гектар яйлов ер майдони “Автомобилларга сиқилган газ билан тўлдириш компрессор шахобчаси”ни қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 10 707 888 (ўн миллион етти юз етти минг саккиз юз саксон саккиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонқулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг  
биринчи ўринбосари**



**Р.Пардаев**